



## БОСҚИНЧИЛИК ЖИНОЯТИНИНГ КРИМИНОЛОГИК ДЕТЕРМИНАНТЛАРИ ВА УЛАРНИ ТАСНИФЛАШГА ДОИР АЙРИМ МАСАЛАЛАР

Тангриев Жасур Олимович

Бухоро вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи,  
адлия маслаҳатчиси

Электрон почта: tangriyevjasur03@gmail.com

<https://doi.org/10.5281/zenodo.17587696>

### ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 05-noyabr 2025 yil

Ma'qullandi: 08-noyabr 2025 yil

Nashr qilindi: 12-noyabr 2025 yil

### KEYWORDS

босқинчилик жинояти,  
криминологик  
детерминантлар,  
ижтимоий-иқтисодий  
омиллар, психологик  
омиллар, оилавий муҳит,  
виктимология, ҳуқуқий  
тизим, профилактика.

### ABSTRACT

Мазкур илмий мақолада босқинчилик жиноятининг криминологик детерминантлари, уларнинг тузилмавий хусусиятлари ва ўзаро боғлиқлик механизмлари ҳар томонлама таҳлил қилинган. Тадқиқотнинг долзарблиги жиноятчиликнинг мазкур тури замонавий жамиятда ижтимоий-иқтисодий беқарорлик, ҳуқуқий тизим самарадорлиги ва шахс онгининг девиант ўзгаришлари билан чамбарчас боғлиқ эканлиги билан изоҳланади. Тадқиқот объекти сифатида босқинчилик жиноятига таъсир этувчи макро (ижтимоий-иқтисодий), мезо (оилавий ва муҳит), ҳамда микро (индивидуал ва психологик) даражадаги омиллар тизими танланган. Методологик жиҳатдан тадқиқотда қиёсий-ҳуқуқий, таҳлил, синтез, индукция, дедукция ва кузатиш усулларидан фойдаланилган. Натижалар босқинчилик жиноятининг вужудга келишида ижтимоий адолатсизлик, иқтисодий тенгсизлик, оилавий зўравонлик ва ҳуқуқий назоратнинг заифлиги ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканини кўрсатди. Шунингдек, виктимологик таҳлил натижалари жабрланувчи хатти-ҳаракатларининг жиноят содир этилишига билвосита таъсир кўрсатиши мумкинлигини аниқлади. Тадқиқот натижалари асосида жиноятчилик профилактикасининг илмий асосланган йўналишларини ишлаб чиқиш, аҳоли ўртасида ҳуқуқий онг ва виктимологик маданиятни юксалтириш бўйича амалий тавсиялар берилган. Ушбу иш криминология, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва жиноятчилик профилактикаси соҳаларидаги илмий-тадқиқот ва амалиёт фаолияти учун назарий ҳамда амалий аҳамият касб этади.

Босқинчилик жинояти замонавий жиноятчилик тизимининг энг ижтимоий хавfli турларидан бири сифатида жиноят ҳуқуқи ва криминология фанининг доимий эътибор марказида туради. Мазкур жиноятнинг ўзига хос хусусияти шундаки, у ҳаёт ёки соғлиқ учун хавfli бўлган зўрлик ишлатиш ёхуд шундай зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш орқали ҳужум шаклида содир этилади ҳамда жабрланувчининг ҳаёти ва соғлиғига бевосита хавф туғдиради. Шу боис босқинчилик нафақат ўзгалар мулкани қонунга хилоф равишда эгаллашга қаратилган жиноят сифатида, балки шахсга қарши тажовузкор хатти-ҳаракатнинг жисмоний зўравонлик билан уйғунлашган шакли сифатида ҳам тавсифланади.

Жиноятчилик статистикаси маълумотлари бу тенденцияни яққол намоён этмоқда. Хусусан, 2024 йилда қайд этилган барча жиноятлар орасида иқтисодий соҳасида содир этилган жиноятларнинг улуши 62,9 фоизни ташкил этган бўлиб, уларнинг 95,6 фоизи ўзгалар мулкани талон-торож қилиш билан боғлиқ жиноятлардан иборат бўлган. Сўнгги йиллардаги статистик маълумотларга эътибор қаратадиган бўлсак, 2021 йилда 1598 та, 2022 йилда 1312 та, 2023 йилда 987 та ва 2024 йилда 729 та талончилик ҳамда босқинчилик жиноятлари содир этилгани қайд этилган [1].

Криминологик нуқтаи назардан босқинчилик жиноятининг моҳияти уни келтириб чиқарувчи сабаб ва шарт-шароитлар билан узвий боғлиқ бўлиб, ушбу омиллар ижтимоий-иқтисодий, психологик, маданий ва ҳуқуқий характерга эга. Аҳолининг турмуш даражасидаги кескин тафовутлар, ишсизликнинг ўсиши, ижтимоий адолатсизлик ҳиссининг кучайиши, гиёҳвандлик ва алкоголизмнинг тарқалиши, шунингдек, жиноятларнинг жазосиз қолиши тўғрисидаги ижтимоий тасаввурлар мазкур жиноятнинг шаклланиши ва такрорланишида асосий криминоген детерминантлар сифатида намоён бўлади. Хусусан, А.А.Салимжонов зўрлик ишлаб содир этиладиган жиноятларнинг, хусусан, босқинчилик жиноятларининг сабабларини ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий, психологик, атроф-муҳит ва инфратузилма каби таснифлайди [2, 262-273-б]. Хорижий олим Ю.Ю.Тищенконинг тадқиқотида келтирилишича, босқинчилик жиноятларининг катта қисми спиртли ичимликлар ёки гиёҳванд моддалар таъсирида содир этилади [3, 324-326-б]. Б.С.Саргсян эса ушбу жиноятчиларнинг шахси интеллектуал ривожланиш даражасининг пастлиги, тажовузкорлиги, шафқатсизлиги билан ажралиб туришини тўғри таъкидлайди [4, 40-44-б]. Кундалик ҳаётда улар ўзларини импульсив, олдиндан айтиб бўлмайдиган тарзда тутишлари, қўзғатувчи хатти-ҳаракатлари билан ажралиб туришлари, ўзига ишонган бўлишлари мумкин. Шу нуқтаи назардан, босқинчилик жиноятини ҳар томонлама тадқиқ этиш унинг фақат жиноий-ҳуқуқий белгиларини эмас, балки уни келтириб чиқарувчи сабаблар ва шарт-шароитлар тизимини аниқлашни ҳам тақозо этади. Бу эса криминология фани олдида ушбу жиноятнинг ижтимоий илдизларини очиб бериш, унинг криминоген муҳитини тузилмавий таҳлил қилиш ҳамда профилактика чораларини илмий асосда такомиллаштириш вазифаларини юклайди.

Мазкур мақолада босқинчилик жиноятининг криминологик детерминантлари турлари, уларнинг ўзаро алоқадорлик механизмлари, шунингдек, уларни таснифлашнинг илмий асослари таҳлил қилинади. Шу асосда босқинчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашишнинг самарали йўналишларини ишлаб чиқиш учун илмий хулосалар ҳамда амалий тавсиялар ишлаб чиқилади.

### Материал ва методлар

Тадқиқотда босқинчилик жиноятини вужудга келишининг сабаб ва шарт-шароитларига оид масалалар таҳлили бўйича қонунчилик нормалари, миллий ва хорижий ҳуқуқшунос олимларнинг илмий-назарий қарашлари ҳамда амалиёт маълумотларидан фойдаланилди. Материаллар қиёсий-ҳуқуқий, таҳлил, синтез, кузатиш, умумлаштириш, индукция ва дедукция методларини қўллаган ҳолда ўрганилди.

### Тадқиқот натижалари

Сўнгги йилларда Ўзбекистон ва бошқа давлатларда босқинчилик жиноятларининг содир этилишида янги тенденциялар кузатилмоқда. Жумладан, мазкур жиноятга тайёргарлик кўриш босқичи юқори даражада режалаштирилган, техник воситалардан фойдаланиш кенгайган, жиноятларнинг уюшганлик даражаси ва трансмиллий белгилари кучайган. Бу эса анъанавий криминологик ёндашувлар доирасида босқинчилик детерминантларини ўрганиш етарли эмаслигини кўрсатади. Шу сабабли замонавий криминология босқинчиликни фақат индивидуал девиант хулқ-атвор натижаси эмас, балки ижтимоий тизимдаги структуравий дисфункциялар маҳсули сифатида таҳлил қилишни талаб этади.

Бугунги кунга келиб жиноятчиликка қарши курашиш, уларнинг вужудга келишига сабаб бўлаётган омилларни бартараф этиш бўйича самарали чора-тадбирлар ишлаб чиқиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 03.01.2025 йилдаги ПҚ-1-сон “2025 йилда республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш тизими самарадорлигини янада ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорида криминоген вазият оғир маҳаллаларда илмий-амалий ёндашувлар асосида жойларга чиққан ҳолда мақсадли ўрганишларни ўтказиш орқали ҳуқуқбузарликларга сабаб бўлаётган асл омилларни аниқлаш ва барҳам бериш бўйича ташкилий-ҳуқуқий чораларни кўриш вазифаси белгиланди.

Мазкур тадқиқотнинг долзарблиги ҳам шундан иборатки, у босқинчилик жиноятининг замонавий детерминантларини аниқлаш, уларни тизимлаштириш ҳамда криминологик тасниф мезонларини ишлаб чиқиш орқали жиноятчиликка қарши курашишнинг илмий асосларини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Босқинчиликнинг ижтимоий-психологик илдизларини аниқлаш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятида профилактик механизмларни такомиллаштириш ҳамда жиноятчилик хавфини эрта босқичда аниқлаш стратегияларини ишлаб чиқиш мазкур тадқиқотнинг назарий ва амалий аҳамиятини белгилайди.

### Тадқиқот натижалари таҳлили

Криминологик детерминант тушунчаси жиноятчиликка таъсир этувчи сабаб ва шарт-шароитларнинг узвий тизимини ифодалайди. Ушбу тизим жамиятдаги ижтимоий муносабатлар барқарорлигига таъсир қилувчи турли омилларни ўз ичига олади. Классик криминологияда детерминация — бу муайян жиноий хатти-ҳаракатнинг объектив ва субъектив сабаблар билан белгиланиши жараёни сифатида изоҳланади [5]. Босқинчилик жинояти мисолида ушбу детерминантлар шахснинг жиноят содир этиш мотивларидан тортиб, унинг ижтимоий муҳити ва тарбия тизимигача бўлган кенг қамровли омиллар билан белгиланади.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, босқинчилик жинояти кўп ҳолларда тизимли ижтимоий муаммоларнинг ҳуқуқбузарлик даражасига айланишининг натижасидир [6]. Мисол учун, аҳолининг иқтисодий фаол қисмида ишсизликнинг ўсиши ёки меҳнат бозорида адолатсиз рақобат муҳитининг шаклланиши шахсни қонунга зид даромад олиш усулларига мойил қилади. Шу билан бирга, ёшлар ўртасида зўравонликни “куч” ёки “ҳокимият белгиси” сифатида қабул қилиш тенденцияси ҳам жиноятнинг психоижтимоий детерминанти сифатида намоён бўлади [7].

Босқинчилик жиноятининг содир этилишига олиб келувчи сабаб ва шарт-шароитлар тизимида ижтимоий-иқтисодий омиллар марказий ўринни эгаллайди. Айниқса, аҳолининг турмуш даражаси ва даромадлар тақсимоотидаги кескин номутаносиблик, инфляциянинг ўсиши ҳамда ижтимоий тенгсизликнинг чуқурлашиши жиноятчилик даражасига бевосита таъсир этувчи асосий детерминантлар сифатида намоён бўлмоқда. Иқтисодий барқарорликнинг заифлашиши фуқароларнинг ижтимоий хавфсизлик ҳиссини пасайтиради, бу эса айрим шахсларда ноқонуний даромад олиш усулларига мойилликни кучайтиради.

Хусусан, охириги йиллардаги иқтисодий кўрсаткичлар ҳам турли ҳудудлар ўртасидаги иқтисодий фарқни яққол ифодалайди. Статистик маълумотларга кўра, 2025 йилда мамлакат миқёсида ҳудудлар кесимида ўртача ойлик номинал иш ҳақлари даражаси жуда фарқ қилган. Жумладан, Тошкент шаҳрида ушбу кўрсаткич 10 379,6 минг сўмни ташкил этган бўлиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 18,7 фоизга ўсиш кузатишган. Шу билан бирга, Самарқанд вилоятида ўртача ойлик иш ҳақи 4 853,3 минг сўмни (ўсиш суръати – 124,8 %), Наманган вилоятида 4 543,8 минг сўмни (120,9 %), Сирдарё вилоятида 4 930,8 минг сўмни (120,7 %), Фарғона вилоятида 4 574,5 минг сўмни (119,8 %) ҳамда Жиззах вилоятида 4 589,0 минг сўмни (119,2 %) ташкил этган [8]. Мазкур рақамлар иқтисодий ривожланиш даражасидаги ҳудудий фарқлар ҳали ҳам сезиларли эканлигини кўрсатади. Шунингдек, иқтисодий тенгсизликнинг бундай динамикаси ижтимоий адолатсизлик ҳиссини кучайтиради ҳамда шахсларда қонунга зид йўллар билан моддий манфаат кўришга бўлган хоҳиш-истакларни рағбатлантирувчи омил сифатида намоён бўлади.

Ижтимоий адолатсизлик ҳисси шахс онгида беқарорлик, муҳитга нисбатан салбий муносабат ва ишончсизликни шакллантиради. Бу ҳолат ўз навбатида девиант хулқ-атворнинг, жумладан, жинсий хатти-ҳаракатларнинг асосий психологик манбаи сифатида намоён бўлади. Криминолог В.В.Жаваленинг фикрича, “жиноятчиликнинг иқтисодий илдизларини бартараф этмасдан туриб, ҳуқуқий профилактика механизмлари ўз самарадорлигини йўқотади” [9]. Мазкур илмий хулоса босқинчилик жинояти хусусида ҳам тўлиқ қўлланилиши мумкин. Дарҳақиқат, иқтисодий ноаниқлик ва ижтимоий тенгсизлик шароитида шахсда қонунга бўйсунмаслик ҳолати кучаяди, натижада моддий эҳтиёжларни қондиришнинг ноқонуний усуллари жозибадор тус олади. Шу нуқтаи назардан, жиноятчиликнинг, айниқса, босқинчилик каби хавфли турларининг олдини олишда аҳолининг иқтисодий фаровонлигини таъминлаш, даромадлар тақсимоотида мутаносибликни сақлаш ва меҳнат бозорини барқарорлаштириш устувор профилактик йўналишлардан бири ҳисобланади.

Шу билан бирга, иқтисодий ва ижтимоий беқарорлик омиллари шахснинг психологик ҳолатига ҳам салбий таъсир кўрсатади. Босқинчилик жиноятини содир

этувчи шахсларда кўп ҳолларда агрессивлик, импульсивлик, ўзини назорат қилиш қобилиятининг етишмаслиги, шафқатсизлик ва хавфни паст баҳолаш каби хислатлар кузатилади. Илмий тадқиқотларда таъкидланишича, бундай шахслар, одатда, интеллектуал ривожланиш даражаси паст, эмпатия ҳисси сушт, ижтимоий масъулият туйғуси заиф, аммо ўзига бўлган ишончи юқори бўлган шахслар сифатида тавсифланади [10, 438-458-б; 11, 40-44-б].

Бундан ташқари, жиноятчиларнинг катта қисми босқинчиликни содир этиш вақтида спиртли ичимлик ёки гиёҳванд моддалар таъсирида бўлади. Бу ҳолат шахсий назорат механизмларининг сусайиши, иродавий тўсиқларнинг йўқолиши ва агрессив импульсларнинг кучайишига сабаб бўлади. Натижада шахснинг онгли қарор қабул қилиш қобилияти чекланади ва у хавфли жиноий хатти-ҳаракатларга мойил ҳолатга тушади.

Маънавий детерминантлар қаторида жамиятда зўравонликни одатий ҳол сифатида қабул қилиш, ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият даражасининг пастлиги муҳим роль ўйнайди. Бундай муҳитда ўсган шахслар учун ҳуқуқий меъёрлар эмас, балки куч ва манфаат устувор қадрият сифатида намоён бўлади.

Криминологик таҳлиллар шуни кўрсатадики, босқинчилик жиноятларининг салмоқли қисми нафақат макродаражадаги ижтимоий-иқтисодий муаммолар, балки мезо даражадаги — яъни оила ва яқин ижтимоий муҳит омиллари билан ҳам белгиланади [12, 285-302-б]. Ижтимоий педагогика нуқтаи назаридан, оила муҳитида зўравонлик, беқарорлик ёки эҳтиёткорлик ва меҳрнинг етишмаслиги мавжуд бўлган шахслар катта ёшда муаммоларни куч ишлатиш орқали ҳал этиш моделини меъёрий хулқ сифатида қабул қиладилар [13, 204-209-б].

Дарҳақиқат, мазкур фикрларни қўллаб-қувватлаган ҳолда шуни таъкидлашимиз мумкинки, бундай шахслар учун тажовузкор хатти-ҳаракатлар ҳаётий стратегия даражасига айланади, натижада жиноят — хусусан, босқинчилик — “қабул қилинган” хулқ шакли сифатида онгда мустаҳкамланади. Шундай экан, оилавий муҳитда соғлом муносабатларни тиклаш, тарбиявий назоратни кучайтириш ва ижтимоий адаптация дастурларини ривожлантириш босқинчилик жиноятининг олдини олишда муҳим профилактик йўналишлардан бири ҳисобланади.

Мазкур жиноят турининг вужудга келишига таъсир этувчи навбатдаги омиллар сифатида ҳуқуқий ва институционал детерминантлар алоҳида аҳамият касб этади. Булар, аввало, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолияти самарадорлиги, жиноят ишларини тергов қилиш ва суд жараёнларининг шаффофлиги ҳамда жазо сиёсатидаги мувозанат билан боғлиқ тизимли муаммоларда намоён бўлади.

Илмий нуқтаи назардан, жиноятларнинг жазосиз қолишига оид ижтимоий тасаввурлар жиноятчиликни рағбатлантирувчи “институционал илдиз” сифатида баҳоланади [14, 59-84-б]. Фикримизча, агар жамиятда жавобгарликнинг муқаррарлиги тамойили амалда тўлиқ таъминланмаса, ҳуқуқий нормаларнинг ижтимоий аҳамияти пасаяди ва фуқароларда жазодан қутулиш мумкин деган қараш мустаҳкамланади. Бу эса, ўз навбатида, жиноят содир этишнинг психологик тўсиқларини заифлаштиради ҳамда хавфли турдаги жиноятлар, жумладан, босқинчиликнинг содир этилиш эҳтимолини оширади.

Шу билан бирга, тергов ва суд жараёнларидаги муддатларнинг асоссиз чўзилиши, қонун нормаларининг амалиётда изчил қўлланилмаслиги — ҳуқуқий тизимнинг самарадорлигини пасайтиради. Бундай ҳолатларда қонуннинг тартибга солувчи ва профилактик функцияси сусаяди, натижада жиноятнинг “рағбатлантирувчи” институционал муҳити шаклланади.

Бу ҳолатни бартараф этишнинг асосий йўлларида бири — жиноят учун жавобгарлик сиёсатида мувозанатли ёндашувни таъминлашдир. Хусусан, жавобгарликнинг муқаррарлиги принципи билан адолат ва инсонпарварлик тамойилларини уйғунлаштириш ҳуқуқий тизимнинг ишончли профилактик салоҳиятини оширади. Натижада фуқароларда қонунга бўйсунувчан хулқ-атвор модели мустаҳкамланиб, босқинчилик жиноятининг ижтимоий илдизлари заифлашади.

Криминологик таҳлиллар шуни кўрсатадики, жабрланувчининг муайян ҳолатлардаги хатти-ҳаракатлари жиноят содир этилиши жараёнига бевосита таъсир кўрсатиши, айрим ҳолларда эса уни енгиллаштирувчи омил сифатида намоён бўлиши мумкин [15]. Виктимология нуқтаи назаридан бундай хатти-ҳаракатлар жиноятчи фаолиятини англаш, унинг қарор қабул қилиш динамикаси ва жиноятни амалга ошириш шароити билан узвий боғлиқдир [16, 76-81-б].

Фикримизча, босқинчилик жиноятида жабрланувчининг салбий хатти-ҳаракатлари икки асосий шаклда ифодаланади — виктимологик пасивлик ва виктимологик фаоллик. Биринчидан, виктимологик пасивлик — бу шахснинг ўз хавфсизлигига нисбатан етарли даражада онгли муносабат билдира олмаслиги, жиноятчи ҳаракатларига қарши етарли қаршилик кўрсата олмаслиги ёки муҳофаза механизмларидан фойдаланишда сусткашлик қилиши билан тавсифланади. Ушбу ҳолат куйидаги шаклларда намоён бўлиши мумкин:

- жиноятчи шахс талабларини ихтиёрий равишда бажариш, моддий бойлик ёки қимматбаҳо ашёларни топшириш;
- ҳужум ёки таҳдид ҳақида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга дарҳол хабар бермаслик, тергов билан ҳамкорликдан бош тортиш;
- шахсий ва мулкӣ хавфсизлик чораларини кўришда етарли эҳтиёткорликка риоя қилмаслик.

Виктимологик фаоллик эса жабрланувчининг ўз хатти-ҳаракатлари билан жиноятчи шахсда тажовузкор импульсларни кучайтириши ёки жиний вазиятнинг шаклланишига билвосита шароит яратиши ҳолатидир. Бундай фаоллик куйидаги ҳолларда кузатилади:

- шахснинг моддий фаровонлигини ёки бойлигини очиқ намоён этиши, “бой кўриниш” ҳосил қилиши орқали эҳтимолдаги жиноятчи шахс диққатини жалб этиши;
- жиноятчи билан шахсий ёки молиявий келишмовчиликлар пайтида тажовузкор ёки таҳдидли муносабатда бўлиши.

Бундай вазиятларда жабрланувчининг хатти-ҳаракатлари айрим ҳолларда провокатив омил сифатида баҳоланади, яъни у жиноятнинг тўлиқ сабаби бўлмаса-да, унинг содир этилишига маълум даражада имкон яратувчи шароит вазифасини бажаради. Шу жиҳатдан, виктимологик таҳлилда жабрланувчи фаолияти жиноят детерминациясининг мустақил элементи сифатида кўриб чиқилади.

Айрим тадқиқотчиларнинг фикрича, “Босқинчилик жиноятларининг криминологик хусусиятларини ўрганишда виктим хатти-ҳаракатлар содир этилган жойга - кўчада ёки уй-жойда содир этилганига қараб фарқланишини эътиборга олиш лозим” [17, 241-246 б]. Кўпинча босқинчилик ҳужумлари тунда, кўчаларда ва жамоат жойларида, фуқароларнинг яшаш жойларида содир этилади.

Демак, юқорида олиб борган таҳлилларимиз асосида босқинчилик жиноятининг сабаблари ва шарт-шароитлари тизими мураккаб тузилишга эга бўлиб, унда детерминантлар бир-бирига таъсир этувчи ва бир-бирини кучайтирувчи ҳолда намоён бўлади. Шу сабабли ҳам уларни шартли равишда қуйидагича таснифлаш мумкин:

1-жадвал

Даража	Детерминант тури	Сабаб/шарт-шароитлар
<b>Макро даража</b>	Ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маданий	Даромадлар тафовутлари, ишсизлик, ижтимоий беқарорлик ва ҳ.к.
<b>Мезо даража</b>	Оилавий, маҳалла ва ижтимоий муҳит омиллари	Оилавий зўравонлик, назоратсизлик, девиант гуруҳлар таъсири ва ҳ.к.
<b>Микро даража</b>	Индивидуал ва психологик омиллар	Агрессивлик, импульсивлик, қонунга бўйсунмаслик ва ҳ.к.

Бундай тизимли ёндашув криминологик таҳлилда жиноятни фақат якка шахс хатти-ҳаракатининг натижаси эмас, балки бутун ижтимоий тизимдаги функционал издан чиқишнинг (дисфункциянинг) ифодаси сифатида баҳолаш имконини беради.

Хулоса

Босқинчилик жиноятининг криминологик таҳлили шуни кўрсатадики, мазкур жиноят тури жамиятдаги мураккаб ижтимоий-иқтисодий, психологик ва ҳуқуқий детерминантлар ўзаро таъсири натижасида вужудга келади. Унинг келиб чиқиши фақат якка шахснинг девиант хатти-ҳаракатлари ёки шахсий манфаатдорлиги билан чекланиб қолмай, балки жамиятдаги иқтисодий тенгсизлик, ижтимоий адолатсизлик, ишсизлик ва ҳуқуқий тизим самарадорлиги каби макродаражадаги омиллар билан чамбарчас боғлиқдир.

Тадқиқот натижалари шуни тасдиқлайдики, оилавий муҳит ва маҳалла институтларидаги ижтимоий назоратнинг заифлиги, зўравонликка нисбатан эътиборсиз муносабат ва ҳуқуқий маданият даражасининг пастлиги мезо даражадаги муҳим криминоген омиллардан бири ҳисобланади. Шу боис профилактика чоралари нафақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини кучайтиришга, балки аҳоли ўртасида ҳуқуқий онг ва ижтимоий масъулиятни оширишга ҳам қаратилмоғи зарур.

Шунингдек, виктимологик таҳлил натижалари жабрланувчи хатти-ҳаракатларининг жиноят детерминациясидаги ўрнини кўрсатди. Виктимологик пассивлик (масалан, эҳтиёткорликнинг етишмаслиги, жиноятчи талабларини бажариш, ҳужум ҳақида хабар бермаслик) ёки виктимологик фаоллик (бойликни намоён қилиш, тажовузкор муносабат) жиноят содир этилишига имкон яратувчи шароит сифатида баҳоланиши мумкин. Шу боис жиноятчилик профилактикасининг замонавий моделларида жабрланувчилар хавфсизлигини таъминлаш ва виктимологик хулқ маданиятини шакллантириш муҳим йўналиш сифатида намоён бўлади.

Умуман олганда, босқинчилик жиноятининг криминологик детерминантлар тизими кўп даражали ва

комплекс характерга эга бўлиб, унда макро (ижтимоий-иқтисодий), мезо (оилавий ва муҳит) ва микро (индивидуал ва психологик) детерминантлар ўзаро таъсирда намоён бўлади. Бундай тизимли ёндашув жиноятчиликка қарши кураш стратегияларини илмий асосда ишлаб чиқиш, барқарор профилактика механизмларини жорий этиш ҳамда аҳолининг ҳуқуқий ва иқтисодий барқарорлигини мустаҳкамлашда муҳим назарий ва амалий аҳамият касб этади.

#### References:

1. Ўзбекистон Республикаси Миллий статистика қўмитаси сайтининг маълумотлари - <https://stat.uz/uz/rasmiy-statistika/crime-and-justice-2>
2. Alisher o'g'li S. A. Zo'rlik ishlatib sodir etiladigan jinoyatlar tushunchasi va kriminologik tavsifi //Tadqiqotlar. – 2025. – Т. 63. – №. 5. – С. 262-273.
3. Тищенко Ю. Ю. Особенности личности преступника, совершившего разбойное нападение //Право и государство: теория и практика. – 2023. – №. 8 (224). – С. 324-326.
4. Sargsyan B.S. Information about the typical personality traits of a criminal who committed robberies on employees of rose trade enterprises. Problems of economics and legal practice. 2012. No. 4. pp. 40-44.
5. Kriminologiya. Mas'ul maharrir: M.H. Rustambayev / O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi. - Т.: «Adolat», 2007.216 bet.
6. Криминология. Махсус қисм: Дарслик / И. Исмаилов, Қ.Р. Абдурасулова ва бошқ. - Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015. - 744 б.
7. Романченко А. Р. Социально-психологические детерминанты проявления виктимного поведения подростков //Криминологический журнал. – 2021. – №. 1. – С. 137-140.
8. Ўзбекистон Республикаси Миллий статистика қўмитаси сайтининг маълумотлари - [https://stat.uz/img/press-relizlar/ish-haqi--uz-24\\_10\\_p18363.pdf](https://stat.uz/img/press-relizlar/ish-haqi--uz-24_10_p18363.pdf)
9. Jawale V. V. Introduction to Criminology. – Academic Guru Publishing House, 2023.
10. Figueiredo S. O. et al. Determinants of crime control in public security policy management //Revista de Administração Pública. – 2021. – Т. 55. – С. 438-458.
11. Sargsyan B.S. Information about the typical personality traits of a criminal who committed robberies on employees of rose trade enterprises. Problems of economics and legal practice. 2012. No. 4. pp. 40-44.
12. Абдурасулова К., Каракетова Д. Криминологияда сабабият //Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари Актуальные проблемы социально-гуманитарных наук Actual Problems of Humanities and Social Sciences. – 2025. – Т. 5. – №. 1. – С. 285-302.
13. Жураев Ж. М. Мактаб ўқувлари томонидан содир этиладиган ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш тартиби //Ustozlar uchun. – 2025. – Т. 81. – №. 1. – С. 204-209.
14. Dubray M. V. Impunity and atrocity punishment after mass violence and conflict: questioning the admissibility of leniency measures in (post) transition contexts //Research Handbook On The Punishment Of Atrocity Crimes. – Edward Elgar Publishing, 2024. – С. 59-84.
15. Вдовиченко Василий Петрович Криминологическая характеристика групп, совершающих грабежи // Общество и право. 2011. №2 (34). URL:

<https://cyberleninka.ru/article/n/kriminologicheskaya-harakteristika-grupp-sovershayuschih-grabezhi>.

16. Щипунова Ю. О. Криминологическая характеристика лиц, совершивших разбой/ОЮ Щипунова //MODERN SCIENCE. – 2022. – №. 11-1. – С. 76-81.

17. Емельянов И. Л. Виктимность и виктимизация: понятие, виды, проблемы профилактики //Известия Алтайского государственного университета. – 2013. – Т. 1. – №. 2 (78). – С. 241-246.

